



Реал самарали алмашув курси шарҳи


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Реал самарали алмашув курси шарҳи

2022 йил июль

Реал самарали алмашув курси 2022 йилнинг **июль ойида** ўтган ойга нисбатан **ўсувчи** динамика қайд этиб, **2,1 фоизга мустаҳкамланди** (2021 йил мос даврига нисбатан 1,4 фоизга, базавий ой – 2019 йилнинг сентябрига¹ нисбатан 5 фоизга мустаҳкамланди).

Номинал ва реал эффектив алмашув курслари индекси динамикаси



Июль оидаги реал самарали алмашув курсининг мустаҳкамланиши асосан **валюта курсидаги ўзгаришларнинг таъсири** билан изоҳлаш мумкин.


Июль оидаги реал самарали алмашув курси индекси динамикасида:

оширувчи омиллар: савдо-ҳамкор давлатлар валюта курслари ўзгариши – **2,6 фоиз банд**, сўм алмашув курси – **0,3 фоиз банд**;

пасайтирувчи омил: савдо-ҳамкор давлатлар инфляцияси – **0,7 фоиз бандни ҳамда ички инфляция – 0,1 фоиз бандни ташкил этди.**

¹ Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида 2019 йил 20 августдан бошлаб тижорат банклари томонидан нақд хорижий валютани сотиш йўлга кўйилди. Шу сабабли, **2019 йил сентябрь ойи** сўмнинг реал самарали алмашув курси индексини ҳисоблашда базавий давр сифатида белгиланди

Реал самарали алмашув курси (REER) индексининг ўзгариш декомпозицияси



Асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг **валюталари курси** июль ойи давомида АҚШ долларига нисбатан қадрсизланишда давом этди.

Жумладан:

➤ **Россия рубли июль ойида 3,7 фоизга** (57,3 дан 59,4 га) қадрсизланди. Бундай қадрсизланишга Россия Марказий банки томонидан йилнинг I чорагида киритилган валюта чекловларининг босқичма-босқич юмшатилиши ҳамда импортнинг тикланиши натижасида хорижий валютага бўлган талабнинг ошиши билан изоҳланади.

Россия Марказий банки 22 июль куни асосий фоиз ставкасини 9,5 фоиздан 8 фоизгача пасайтиреди.

➤ **Қозогистон тенгеси июль ойида 6,7 фоизга** (446,4 дан 476,3 га) қадрсизланди. Йирик компаниялар томонидан дивидендларни репатриация қилиниши ҳамда бир вақтнинг ўзида валютага бўлган талабнинг юқорилиги фонида тенге курсининг бироз қадри пасайди.

Қозогистон Марказий банки 25 июлда асосий фоиз ставкасини 14,5 фоизгача кўтарди.

➤ Мазкур ой давомида ҳам турк лирасининг қадрсизланиш суръатлари (2,8 фоизга) сақланиб қолди.

Доллар индексининг

мустаҳкамланиши ҳамда жаҳонда рецессия хавфи лиранинг қадрсизланишига сабаб бўлди.

➤ Хитой банкининг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида йил бошидан буён асосий фоиз ставкани тушириши ҳамда минтақадаги сўнгги геосиёсий нотинч вазиятнинг мавжудилиги юан курсига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида юан курси июль ойида ўтган ойга нисбатан **0,6 фоизга** қадрсизланди.

2022 йил июль ойида асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг деярли барчасида **йиллик инфляция кўрсаткичлари ошиши кузатилди**:

➤ **Россияда** ойлик нархлар пасайиши давом этиб, **-0,2 фоизни** (йиллик инфляция 15,3 фоизни) ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Нархларнинг ойлик динамикаси мавсумий омиллар, истеъмол товарларига бўлган талабнинг сустлиги билан изоҳлаш мумкин.

➤ **Қозогистонда** ойлик инфляция **1,1 фоизни** ташкил этиб, йиллик ҳисобда **15 фоизгача** тезлашди. Июль ойида инфляциянинг ошишига озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг қимматлашиши (йиллик 19,7 фоизга) сезиларли ҳисса қўшди.

➤ **Туркияда** ойлик инфляция **2,8 фоизни** ташкил этди, йиллик ҳисобда **79,6 фоизгача** ўсди. Нархлар ўсишига асосан, энергия маҳсулотларининг қимматлашиши ҳамда лира девальвациясининг давом этаётганлиги сезиларли таъсир кўрсатган. Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси ойлик ҳисобда **5,2 фоизга** ўсиб, йиллик **144,6 фоизга** етди.